

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.КАРИМОВ

Учта сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун Франкль масаласининг хос функцияларини қуриш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, Ғ.РАҲМАТОВ

Мева-сабзавотлар учун инфрақизил қуритиш қурилмаси 12

Ш.ЯКУБОВА, Т.АЗИМОВ, З.ХУСАНОВ, О.ТЎЛАНОВ

Астрономик координаталар тизимлари 14

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Ш.ХАМИДОВ, А.МАТКАРИМОВА, Ш.ТУРСУНОВА

Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари 18

У.БОЛТАБОЕВ

Енгил саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган омилларнинг одам организмга таъсирини ўрганиш 21

Р.МАТЪЯКУБОВ, Д.САЛМОНОВА, И.ТУРДИБОЕВ, Ш.АБДУРАЗЗАКОВА

Карбамидформальдегид – (КФО) ва фенолформальдегид олигомерлари (ФФО)ни фурфурил спирти билан сополимерларининг олиниши ва хоссаларини тадқиқ қилиш 24

Х.ТОШЕВ, А.ЕШИМБЕТОВ, А.ХАЙТБАЕВ, Ш.ТУРҒУНБОЕВ, Ж.БЕКНАЗАРОВ

Госсипол айрим Шифф асосларининг геометрик ва энергетик характеристикаларини ярим эмпирик усулда ўрганиш 27

Ш.ЮЛДАШЕВА, Ш.И.ХАСАНОВА

Полиз шираси миқдорий зичлигини бошқариб туришда энтомофагларнинг ўрни 32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

А.ҲАМИДОВ

Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари ва тармоқ районлаштириш муаммолари 35

Ю.АҲМАДАЛИЕВ, О.АБДУҒАНИЕВ

Фарғона водийсида суғориладиган ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш 39

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.ТАДЖИБАЕВ

Ўзбекистонда иқтисодий таълим: кеча, бугун ва эртага 42

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

А.ҚАМБАРОВ

Илмий қадриятлар – мамлакатни барқарор ривожлантириш омили 47

Қ.СУЛАЙМОНОВ

Ўрта синф – бозор иқтисодиётининг етакчи кучи 50

Д.НОРМАТОВА

Ахлоқий меросда тарихий-маънавий қадриятлар масаласи 54

Г.МАДРАХИМОВА

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигига эътиборнинг кучайтирилиши 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида инсон кечинмаларининг бадиий талқини 62

УДК: 372.212.1

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

3. Таджибаев

Аннотация

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бутун даври давомида иқтисодий таълим бозор муносабатларини шакллантириш вазифасини ҳал қилиш учун такомиллаштирилиб борилди. Мақолада иқтисодий таълимнинг ўтган давр тажрибасини умумлаштириш, муаммоларни аниқлаш ва уни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича хулосалар беришга уриниш қилинган.

Аннотация

На протяжении всего переходного периода к рыночной экономике экономическое образование совершенствовалось с тем, чтобы отвечать задачам формирования рыночных отношений. В статье сделана попытка обобщить опыт прошедшего периода в экономическом образовании, определить проблемы и дать рекомендации по его совершенствованию и развитию.

Annotation

Throughout the transition period to a market economy, economic education has been perfected in order to meet the challenges of the formation of market relations. The article attempts to generalize the experience of the past period in economic education, identify problems and provide recommendations for its improvement and development.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий таълим, сиёсий иқтисод, такомиллаштириш, макроиқтисод, микроиқтисод, бошқариш, ўқув режаси.

Ключевые слова и выражения: экономическое образование, политическая экономия, совершенствование, макроэкономика, микроэкономика, управление, учебный план.

Key words and expressions: economic education, political economy, improvement, methods of teaching economic disciplines, macroeconomics, microeconomics, management, curriculum.

Маълумки, Ўзбекистонда олий таълим тизими мустақилликкача бўлган даврда собиқ Иттифоқ таълим тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият юритган. Собиқ Иттифоқда 1985 йилда 13 та иқтисодий йўналишга ихтисослашган институт мавжуд бўлиб, уларни биттаси Ўзбекистон (Тошкент Халқ Хўжалиги институти)да эди. Советлар олий таълим тизимида иқтисодчилар ва уларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, ривожланган мамлакатларга қараганда анча кам бўлган. Ўзбекистонда табиатшунослик ва техника соҳасида мутахассислар тайёрлаш иқтисодчи ва ҳуқуқшунослар тайёрлашга қараганда анча устун турган. Шу вақтнинг ўзида ривожланган Европа мамлакатлари ва АҚШда манзара бунинг тескариси бўлган. Масалан, бутун Иттифоқда, шу жумладан Ўзбекистонда, банк муассасалари сони ҳозиргига қараганда бир неча баробар кам бўлган. Иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассислар сони кўп бўлмаслигининг туб сабаби битта, яъни тизим маъмурий–буйруқбозлик усулига асосланган эди. Бу тизим ноиқтисодий тизим дейилса, муболаға

бўлмади. Чунки унда харажатлар билан уларнинг натижалари ўртасида қатъий боғлиқлик йўқ бўлиб, корхоналар зарар кўрган ҳолатларда ҳам банкротликка учрамас эдилар. Сабаби, бу тизимда банкротлик тушунчаси ҳам, атамаси ҳам йўқ эди. Бу нарса ўз - ўзидан иқтисодий таҳлил, ҳисоб-китобларга, демак иқтисодчиларга муҳтожликнинг пастлигига олиб келарди. Бошқача қилиб айтганда, сиёсат иқтисодиётдан устун турган ва бунга мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятининг мавжудлигини иқтисодий омиллар эмас, балки сиёсий омиллар белгилаб берар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги биринчи галдаги масала, бу, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқаришга ўтишини таъминлаш эди. Табиийки, иқтисодий таълим тизими ҳам шу мақсадга йўналтирилди. Бунга мувофиқ амалда бўлган иқтисодий таълим муассасалари фаолияти ўзларини янги шароитга мослашлари, яъни бозор муносабатлари шароитида фаолият юритадиган кадрлар тайёрлашга ўтишлари керак эди.

Шунга кўра, янгилари очилди, мавжудлари бозор шароити учун

3.Таджибаев – ФарДУ иқтисодиёт кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

ИҚТИСОДИЁТ

кадрлар тайёрлашга мослаштирилди. Бундан ташқари, етакчи иқтисодий таълим муассасаси бўлган Тошкент халқ хўжалиги институти базасида янги мазмун билан бойитилган икки ОЎЮ, яъни Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Молия институти ташкил қилинди. Ташқи иқтисодий алоқалар учун замонавий иқтисодчи ва ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлайдиган ОЎЮ янгитдан ташкил қилинди (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети).

Иқтисодий таълимни ташкилий жиҳатдан замон талабларига мослаштириш учун амалга оширилган ишлардан бири – бу, мустақилликка эришилгандан сўнг янгитдан ташкил қилинган университетлар (улар асосан вилоятларда ва педагогика институтлари базасида шаклланди) иқтисодиёт факультетларининг очилиши бўлди. Бу нарса мамлакатимизда иқтисодчи кадрлар тайёрлаш географиясини анча кенгайтириб юборди ва шу орқали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш республиканинг барча вилоятларида амалга оширила бошланди. Бу билан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини иқтисодчи кадрлар билан таъминлаш масаласи анча яхшиланди.

Кейинроқ Ўзбекистонда иқтисодий таълимни замон талаблари даражасига олиб чиқишга кўмаклашадиган Тошкент Ўзбек – Буюк Британия Вестминстер университети, ундан сўнг Малайзия, Сингапур университетлари ва бошқа. очилди.

Совет тизимидан мерос бўлиб қолган дарсликлар, ўқув–услубий қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар янги замон талабларига жавоб бермасди. Бу нарса нафақат сиёсий иқтисод фанида, балки бошқа конкрет иқтисодий фанлар соҳасида ҳам қузатилган. Шунга кўра, ўқув жараёнига янгича тус бериш ва уни янги мазмун билан бойитишга қаратилган янги ўқув режалари ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Уларга мувофиқ ўқув жараёнига тамомила янги фанлар киритилиб, улар иқтисодий таълимни реал иқтисодий ҳолатга яқинлаштиришга мўлжалланган эди.

Анъанавий марксча – ленинча сиёсий иқтисод ўрнига микро- ва макроиқтисодга бўлинган иқтисодий назария келди. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини қамраб олувчи фанлар – маркетинг, менежмент, қимматли қоғозлар

бозори, биржа иши ва бошқа кўп сонли янги фанлар киритилди. Бу фанлардан дарслик ва адабиётларнинг баъзи бирлари хориж олимлари ишларини таржима қилиш асосида, баъзилари эса маҳаллий вазият ва хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз олимларининг кучлари билан яратилди.

Айтиш жоизки, ижтимоий–иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштириш, энг аввало, таълим соҳасига эътиборни кучайтириш ва унга ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш орқали ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришга асос яратадиган устувор вазифа сифатида қарашни тақозо қилади. Чунки аллақачонлар англаб етилганки, таълим ҳозирда реал сектор тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги ва шунга ўхшаш тармоқлар билан бир қаторда)га киритилган. Демак, ижтимоий - иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш, уни (таълим жараёни) доимо такомиллаштириб боришни тақозо қилади, чунки таълим ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши учун йўл очиб берувчи омил бўлиб олд “фронт”вазифасини бажарувчидир.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг сўнгги босқичида шаклланган қонуниятга кўра, уни янада ривожлантириш тобора кўпроқ билим ва билим талаб қилувчи тармоқларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу, иқтисодиёт анъанавий иқтисодиётда ҳукм суриб келган асосий категориялар ва қонуниятларга ўзгача ёндашмоқда. Масалан, анъанавий иқтисодиётнинг фундаментал тушунчаларидан бири шуки, у, ресурслар чекланган, деб уқтиради. Билимлар иқтисодиёти эса, аксинча, ресурслар чекланган эмас, балки билимлар чекланган ва билимлар кенгайиши билан ресурслар доираси кенгайиб бораверади, деб уқтиради. Бу тезис ҳаётда тўласича ўз тасдиғини топмоқда.

Ҳозирги кунда таълим соҳасини, шу жумладан, иқтисодий таълимни, такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда ижобий характерга эга бўлган кўп сонли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш зарур. Бунинг бир кўриниши ва конкрет ифодасини биз мутахассислар тайёрлаш ўқув режаларининг

такомиллаштириб борилаётганлигидан билишимиз мумкин. Бу соҳада амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилиш учун ушбу мақола доираси имкон бермаганлиги учун умумлаштирилган ҳолда бу ишларни умуман тўғри ва зарур йўналишда эканлигини эътироф этиш билан чекланиб, уни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширишнинг баъзи бир ташкилий жиҳатлари хусусида фикр юритмоқчимиз.

Ўқув режаларига ўзгартишларнинг киритилиши ва уларнинг йилдан-йилга такомиллаштириб борилиши табиий ҳол. Лекин бу иш чуқур ўйланган ҳолда, кенг доирада мулоҳаза юритиш, хорижий, айниқса ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, асосийси мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб амалга ошириш керак. Бу ишда асло шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирда иқтисодий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни юқорида таъкидланган тамойилларга жавоб беради, деб бўлмайди. Биз бунини биргина ўқув режасини такомиллаштириш мақсадида унга киритилаётган ўзгартишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу иш ҳозирда меъёрдан ортиқ даражада кўп ва тез амалга оширилмоқда. Ўқув режасига янгитдан киритилган фанлар, асосан, ўқув йилининг бошига етказиб берилмоқда. Бироқ, шундай ҳолатлар ҳам учрамоқдаки, унда ўша янги фанлар ўқув йилининг бошига эмас, балки у бошланиб, бир неча ой ўтгандан кейин жойларга етказиб берилмоқда. Аслини олганда, янги фанни режага киритиб, уни ўқув йили бошига етказиб бериш ҳам кеч бўлади. Чунки янги фанни ўзлаштириш учун, биринчидан, ўқитувчида вақт бўлиши керак. Иккинчидан, янгитдан киритилаётган фан бўйича зарурий материаллар – меъёрий ҳужжатлар, дарслик, ўқув қўлланма, бошқа анжомлар зарур. Амалда эса униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Бу ҳолатда бундай “янгиликдан” қандай самара кутиш мумкин. Шунинг учун, агар янги фан режага киритилаётган бўлса (бу, албатта, учраб туриши керак бўлган ҳолат), уни жорий йилнинг охирига, яъни янги ўқув йилининг

бошланишига камида 2-3 ой қолганда жойларга етказиб бериш керак. Шундагина аудиторияга кириш учун ўқитувчи тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари режага янги фанни киритиб, уни зудлик билан жойларга етказиб беришдан олдин адабиётлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий кўрсатмалар билан таъминланганлик масаласи устида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Чунки янги фанни режага киритиш билан муаммо ҳал бўлмайди. Агар машғулоти талаб даражасида ўтказиш мақсад бўлса (бошқача мақсад бўлиши мумкин эмас), у ҳолда янги фан бўйича намунавий дастур ҳам бирга етказиб берилиши зарур. Таъкидлаш жоизки, дарслик ва ўқув қўлланмаларини дарҳол тайёрлаш, мураккаб масала. Шунинг учун хорижда нашр қилинган адабиётларни дарҳол етакчи олимлар томонидан таржимасини амалга ошириш керак. Уни, тезис шаклида бўлса ҳам, ОЎЮ ўқув режаси билан бирга олишлари мақсадга мувофиқдир.

Янги киритилган фанлар бўйича намунавий дастур масаласига келсак, бу нарса умуман талабга жавоб бермайди. Чунки жойларга намунавий дастурлар ҳеч қачон ўқув режасига киритилган фан билан бир вақтнинг ўзида етказиб берилмайди. Уни (намунавий ўқув режасини) янги фандан машғулоти олиб бориши керак бўлган кафедра ўзи қидириб топиши керак. Юқоридаги ҳолатдан туриб хулоса қиладиган бўлсак, қуйидаги манзарага дуч келишимиз мумкин. Янги фан ўқитувчига топширилади ва у “ўз ёғига ўзи қовурилиб”, фанни ўқитишнинг меъёрий ҳужжатларидан тортиб, ўқув адабиётлари билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга киришади. Бундай шароитда янги фандан талаб даражасида машғулоти олиб бориш устида сўз юритиш мантиққа унча тўғри келмайди. Агар муаммони ҳал қилишга шундай ёндашилса, уни нафақат бартараф қиламиз, балки кўпайтириб ҳам юборамиз. Юқоридан қараганда муаммо ҳал бўлганга ўхшайди. Лекин минг афсуски, юқоридан туриб қабул қилинган қарорлар, топшириқлар ва кўрсатмалар қуйи бўғин (бевосита ижрочилар) томонидан бажарилади ва натижаси шу ерда билинади. Шундай экан, ҳар бир янгиликни юқоридан туриб жорий қилишдан олдин уни қуйи бўғинда қандай

бажариш мумкинлигини ҳам ўйлаб кўриш керак. Шу ўринда айтиш жоизки, яқин ўтмишимиздаги амалиётга қайтиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Гап илгари кафедраларда ҳар бир ўқитувчининг ўзи маъруза ўқиётган фан мавзуларидан маъруза матнини ёзиши ва уни кафедра йиғилишларида муҳокама қилиниши тўғрисида кетяпти. Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Агар ўқитувчи машғулоти олиб бораётган фандан етарли даражада ўқув адабиётлари мавжуд бўлса, у ҳолда ўқитувчининг маъруза матни ёзишига ҳожат борми? Бунга, албатта, ҳожат бор, дейиш мумкин. Сабаби, фаннинг намунавий дастурга киритилган мавзулари бўйича саволларни ўқитувчи мавжуд ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиб, ўзига “сингдириб”, улар бўйича мустақил тушунча ҳосил қилмаса, у ҳолда бундай ўқитувчи фанни таг - заминли ўзлаштирган, деб бўлмайди. Бунда машғулоти пухта, чуқур ва талаб даражасида олиб боришга асос яхши эмас. Агар ўқитувчида мустақил тушунча бўлса, у маъруза матнини ёзиши мумкин ва бу матн мавжуд бўлган ўқув адабиётларини такрорламайди ва унда мавзу бўйича саволларни ёритиш ўзига хос услубда амалга оширилади. Такрор айтаман, мустақил тушунча мавжуд бўлган ўқув адабиётларининг барчаси билан танишиш асосида пайдо бўлади. Бунга қўшимча айтиш мумкинки, мустақил тушунчага эга бўлган мутахассисда бошқаларни қандай бўлса шундай такрорлаш бўлмайди, балки унда ўзига хос услуб шаклланади. Масалани баён қилиш мазмунан ўхшаш, лекин шаклан фарқ қилиши табиийдир. Бу фикрлар масалани ташкилий жиҳати хусусида билдирилган фикрлардир.

Шу ўринда айтиш керакки, масаланинг бошқа жиддийроқ жиҳати ҳам бор бўлиб, у қандай фанни янгитдан режага киритиш масаласидир. Қандай фанларни янги фанлар сифатида ўқув жараёнига киритиш амалиётини таҳлил қилиш кўрсатишича, бу соҳада баъзи бир муаммолар мавжудки, улар тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш даркор. Ҳозирда эса бу масалада айtilган ёндашув мавжуд деб ҳисоблайди.

Бунинг натижасида баъзи-бир ҳолатларда янги киритилган фан тез орада алмаштирилмоқда ёки ўзгартирилмоқда. Бу

нарсa муаммонинг ечимига хизмат қилиб, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга кўмаклашмайди, аксинча, чалкашликларга олиб келади ва муаммо кўпаяди. Бизнинг фикримизча, ривожланган мамлакатлар ўқув амалиётига киритилган ҳар қандай фанни, айниқса уларда ўқув жараёнига киритилаётган янги фанларни механик тарзда, ўйлаб-нетиб ўтирмай, ўзимизнинг ўқув режамизга киритишимиз мақсадга мувофиқ эмас. Биз бунда ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва уларни бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиш “стажи”ни ҳисобга олишни эсдан чиқармаслигимиз керак. Табиийки, улардаги мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режалари уларда шаклланган вазиятдан (юқори даражадаги илмий, техник ва иқтисодий потенциал) ва, асосийси, шу потенциални янада ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб шакллантирилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, машғулоти олиб бориш учун ўрганилаётган фанлар, айниқса мутахассислик фанлари, нафақат ҳозирги ишлаб чиқариш муносабатларининг кечиш жараёни ва уларни тартибга солиш йўл-йўриқларини, балки бу жараёнларни такомиллаштириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштиришга қаратилган. Шундай экан, улар олий таълим тизимида ўрганилаётган фан борки, имкон қадар амалиёт билан боғланган ва ундан озиқланади ва, асосийси, уни ривожлантириш учун янги имкониятлар излаш ва топишнинг назарий масалаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган. Шу йўсинда таълимни ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлиги, бирини иккинчиси тақозо қилишлиги, бугунги кунни келажак билан уйғунлаштириш таъминланади. Бунда эртанги кун бугундан бошланади, деган маънога эга бўлган ҳикматли иборани ҳаётга татбиқ қилиш амалга оширилади. Шундай экан, ривожланган хориж мамлакатлари олий таълим тизимининг ўқув режасидаги ҳар қандай фан ҳам (айниқса янги фанлар) бизнинг муҳитга кўчирилганда кутилган натижани бермаслиги мумкин. Табиийки, шу ўринда савол туғилади: кутилган натижага эришиш учун нима қилиш керак?. Бизнинг фикримизча, бунинг учун биз иқтисодчи

кадрлар тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш муносабатларини қамраб олган фанлар ва уларни жамлаштирган ўқув режаларимизни ўзимизда қарор топган бозор муносабатларининг амалий кўриниши билан боғлашимиз керак. Бошқача қилиб айтганда, назария билан амалиётни бир – бирига яқинлаштиришимиз зарур. Ҳозирда булар ўртасида тафовут катта. Кейинги қадам – бу, айнан шу амалиётни яхшилаш ва уни ривожлантириш учун назарияни бойитишимиз ва бунда хорижий мамлакатлар олий таълим тизимида ўрганилаётган фанлардан фойдаланишимиз мумкин. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш керакки, у ҳам бўлса бу фанлар бизнинг амалиётдан жуда “йироқ” бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Чунки назария (маълумки, олий тоифадаги мутахассислар, шу жумладан иқтисодчи мутахассис кадрлар тайёрлаш муассасаларида кўп даражада назарий масалалар ўрганилади) амалиёт учун керак ва у ўзини ҳаётий ёки ҳаётий эмаслигини амалиётда текширади. Амалиёт – ҳақиқат мезони, деган ибора бежиз эмас. Пироврдида бу нарса (назария) амалиётни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш учун асос яратади. Шу маънода янги назарий

ҳолатлар (фанлар) амалиётда келиб чиқаётган янги ҳолатлардан озиқланиб, таҳлил қилиб, умумлаштириб, уларни ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқади ва бу нарсаларни “оммавийлаштириш” орқали ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни таъминлаган ҳолда амалиётнинг янада ривожланишига йўл очади. Қизиғи, бунда назария (янги фанлар)нинг “бир учи” ҳозирда амалиётда бўлган янги воқелик билан боғлиқ бўлади, бошқа “учи” эса амалиётни келажакка етаклайди. Шу маънода иқтисодий таълим тизими, айниқса тизимнинг иқтисодий истиқболда ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган фанлари, ҳозирги реал иқтисодий воқелик билан истиқболдаги иқтисодий воқелик ўртасида ўзига хос кўприк ролини ўйнайди.

Агар бу нарса таъминланадиган бўлса, ўқув режасига кирган фанларни тез-тез ўзгартиришга (ҳозиргига ўхшаб) ҳожат бўлмайди. Қолаверса (бу асосийси), ўқув жараёни иқтисодий реаллик билан узвий боғланади ва уни (ўқув жараёнини) ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга таъсирини кучайтиради ва уни юқори босқичга олиб чиқишга кўмаклашади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 1997.
2. Олий таълим меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1 - том. – Тошкент. 2013 йил.
3. Ғойибназаров Ш.Ғ. Таълим–иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили. Иқтисодий таълим ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2015 йил 25 декабрь). – Т.: ТДИУ, 2015.
4. Ҳақимова М.Ф., Ибрагимова З.М. Кадрлар тайёрлашда таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодий таълим ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2015 йил 25 декабрь). – Т.: ТДИУ, 2015.
5. Абдуллаева Г.З. Инсон ва жамият ривожланишида таълим тизимининг ўрни. Иқтисодий таълим ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2015 йил 25 декабрь). – Т.: ТДИУ, 2015.
6. Байбаева М. «Ҳозирги замон шароитида касбий тарбия муаммоси» – Касб-ҳунар таълими, 2014 й. №3.
7. «Вестник УГУЭС», 2015, № 2 (12).

(Тақризчи: М.Адҳамов, иқтисод фанлари доктори, профессор).